

## 2013 2-сон

**Жазо ва уни тайинлаш тартибига риоя этилмаслиги суд қарорларини ўзгартирилишига ёки бекор қилинишига олиб келади.**

Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2007 йил 15 августдаги ҳукмига асосан, 3. Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "д", "л" бандлари билан, Жиноят кодексининг 50-моддаси 4-қисми қўлланилиб, 12 йил, 248-моддаси 1-қисми билан, Жиноят кодексининг 50-моддаси 4-қисми қўлланилиб, 2 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 25 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, 3.нинг айби тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келган, шунингдек, унинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлса-да, жазо тайинлашда моддий қонун талабларини бузган.

Жиноят кодексининг (2007 йил таҳририда) 50-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган, олтамиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бироқ суд 3.га нисбатан Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "д", "л" бандлари билан жазо тайинлашда амалдаги қонун талаби ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "**Судлар томонидан жиноят учун**

**жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида**"ги қарорининг шу мазмундаги тушунтиришларига риоя қилмаган.

Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмида айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Жиноят кодексининг 50-моддаси 6-қисмига мувофиқ, йигирма йил озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тўртдан уч қисми ўн беш йилни, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдори ҳам ўн беш йилни ташкил қилади.

Бироқ суд 3-нинг олтмиш ёшдан ошганилигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг (2007 йилга қадар бўлган таҳририда) 50-моддаси 4-қисмига мувофиқ, жазо тайинлаганда жазо ўн беш йилдан кам бўлмаслигини, 3-нинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, унга нисбатан ўн беш йилдан ҳам камроқ жазо тайинлаш лозим деган хулосага келган тақдирда, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаш масаласини муҳокама қилиш шартлигини эътибордан четда қолдириб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "д", "л" бандлари билан асоссиз равишда тўғридан-тўғри 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, моддий қонун талабини бузган.

Апелляция инстанцияси суди қайд этилган хатога эътибор бермаган.

Шу сабабли суд қарорлари Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг 2013 йил 14 мартдаги ажрими билан ўзгартирилиб, Жиноят-процессуал кодексининг 513-моддасига асосан, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин бир йил ўтгач, жазони кучайтириш масаласида протест билдириш мумкин эмаслиги инобатга олинган ҳолда, шунингдек, суд хатосини тўғрилаш мақсадида, 3-га Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-

қисми "д", "л" бандлари билан тайинланган жазо Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 12 йилга келтирилиб, жиноятлар мажмуи тариқасида тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилди.

***ЖСҲ-26-13-сонли ажрим***